

# Жорий таъмирлашга оид шартнома

Лот №95013.07.06.2022й

2022 й. «08» июнь

№08/06

Пахтачи тумани

Пахтачи туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Н.Эшонқуцлов номидан, иккинчи томондан Рубин Кармана МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми асосида раҳбари С.Фармонов номидан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан 4р-52 Сарикул К-Нуробод ш-Сепки –Карнаб –Навой ш а/йнинг 116-142 км жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - «Ишлар» деб юритилади) ишларини бажариш, «Буюртмачи» ушбу «Ишлар» ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Ишлар» нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нархи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1	4р-52 Сарикул К-Нуробод ш-Сепки –Карнаб –Навой ш а/йнинг 116-142 км жорий таъмирлаш ишлари	323218756	307057819
	Жами (ҚҚС билан)		

1.21.2. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 307057819 (Уч юз етти миллион эллик етти минг саккиз юз ун туққиз) сўмни ташкил этади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “10” 06. 2022 й.

Тугаши: “10” 08 2022 й.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи» дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи» дан «Ишлар» «Буюртмачи» нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Ишлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган «Ишлар» шунга ўхшаш «Ишлар» билан алмаштирилишини;

- «Ишлар» нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар номидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи» дан талаб қилиш.

### 2.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Ишлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган «Ишлар» ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» га «Ишлар» ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган кунинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Ишлар» ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

2.5.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»га бажарилган ишлари сифатига 1 (бир) йил мобайнида жавобгарликни томонлар ўртасидаги шартноманинг 2.5.1 банди орқали ўз зиммасига олади.

2.5.2. «Бажарувчи» бажарилган ишларни лаборатория ҳулосаларини ўз ҳисобидан амалга ошириб «Буюртмачи» га тақдим этади.

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан Уч юз етти миллион эллик етти минг саккиз юз ун туққиз сўм нобюджет маблағлари ҳисобидан копланди. Бажариладиган «Ишлар» нинг баҳоси мазкур шартномада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган «Ишлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Бажариладиган «Ишлар» учун олдиндан тўлов миқдори 30% ни ташкил қилади, қолган 70% бажариладиган «Ишлар» бош «Буюртмачи» томонидан «Буюртмачи»га ҳисоб-китоб қилингандан кейин 30 кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси(форма-2,форма-3), ҳисоб-фактура ва в.б. асосида «Бажарувчи»га тўланади

3.4 «Бажарувчи» томонидан бажарилган ишлар кийматидан «Буюртмачи» 2,5% (Ген услуга) миқдоридан маблағ саклаб қолинади

### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Ишлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Ишлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда «Ишлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Ишлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Ишлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Ишлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Ишлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Ишлар» ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Ишлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Ишлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган «Ишлар» сифати, ҳажми «Бажарувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Ишлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Ишлар»нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Ишлар» қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

5.3. «Ишлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Ишлар»нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Ишлар» бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган «Ишлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Ишлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган «Ишлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

6.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.

6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 6 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

#### 7. АЛОХИДА ШАРТЛАР

7.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

7.2 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Буюртмачи»

Пахтачи ТИФУК

Пахтачи туман Боголони МФЙ

Телефон +998942222005

Х.Р 20210000500437453001

"ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ" Самарканд

МФО 00278 ИНН 200769270

ОКОНХ \_\_\_\_\_

Директор \_\_\_\_\_

Н.Эшонкулов

Юрист \_\_\_\_\_

О.Пардаев

«Бажарувчи»

Рубин-Кармана МЧЖ

Кармана туман Али Кушчи 27

Телефон 22 5 94 94, 5019000

Х.Р. 20208000404782260001

АТ «Алокабанк» Навои филиали

МФО 01007 ИНН 301209820

ОКОНХ 61110

Директор \_\_\_\_\_

С.Фармонов.